



PEDAGOGIK AKMEOLOGIYA

xalqaro ilmiy-metodik jurnal

2(2)
—
2022



MUNDARIJA

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA	6
Омилхон ИСМАИЛОВ, Александр ПОЛОННИКОВ, Мухиддин БАФАЕВ. Инновационно-ориентированное педагогическое образование Республики Узбекистан: стратегия и тактика развития	6
Shaxlo NURULLAYEVA. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy moslashtirish mexanizmlari.....	12
Nargiza DILOVA, Kimyoxon RAJABOVA. O'zbekiston ta'limining jahon ta'limi bilan integratsiyalashuvida xalqaro baholash dasturlarini qo'llashning ahamiyati	19
Jetkerbay OTEPBERGENOV. Talabalarning murakkab o'quv materiallarini o'zlashtirishda chizma-tasviriy modellardan foydalanish mahorati.....	22
Shabon FARMONOVA. Boshlang'ich sinflarda ta'lim mazminini yangilash va ona tili o'qitishni ijodiy tashkil etish	26
Ne'mat SEVINCHOV, Maftuna HALIMOVA. Pedagogik o'lchovlarning tarkibiy qismlari va ularga qo'yiladigan talablar.....	32
Умида МУРТАЗАЕВА. Особенности развития учебно-исследовательских компетенций студентов высших образовательных учреждений в условиях кредитной системы.....	38
Ixtiyor XOLIQOV. Bo'lajak o'qituvchining asosiy kompetentligini rivojlantirish	43
Xasan SIDDIKOV. Oliy ta'limda tarbiyaviy jarayonlarni tashkil etishning innovatsion shakllari.....	46
Muattar ABDULLAXO'JAYEVA. Zamonaviy o'qituvchining pedagogik kompetentligini rivojlantiriish.....	50
Perdexan SALIYEVA. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida uchraydigan ayrim muammolar va yechimlar .	52
MAKTABGACHA VA BOSHLANG'ICH TA'LIM	55
Shuhrat NE'MATOV, Nargiza MIRYUSUPOVA. Malaka oshirish jarayonida maktabgacha ta'lim tashkiloti rahbarlarining kvalitologik kompetentligini shakllantirish imkoniyatlari	60
Асрор ҚОСИМОВ. Бошлангич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш – долзарб педагогик муаммо сифатида	62
Maftuna MAMEDOVA. Maktabgacha ta'lim tashkilotida bola shaxsining rivojlanishida tarbiyaning roli.....	67
Dildora OMONOVA. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining kompetentsiyasini shakllantirish va rivojlantirish metodik muammo sifatida.....	70
Manzura KASIMOVA. Maktabgacha ta'limda jonli va jonsiz tabiat bilan tajriba o'tkazishda labaratoriya xonalarini tashkil etish	74
Gulzoda ERGASHEVA. Steam ta'lim texnologiyasi asosida maktabgacha yoshdag'i bolalarga ta'lim-tarbiya berish imkoniyatlari.....	78
Азиза ХУСЕНОВА.Моделирование обучения родному языку путём проектирования образования	82
Шакаржон ҚЎЧҚОРОВА. Бошлангич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантириш долзарб методик муаммо сифатида	90
Дилшод ДАВРОНОВ. Бошлангич синф ўқиш дарсларида бадиий матн устида ишлашда адабий тушунчаларни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари	95
Sobirjon ISMATOV. Boshlang'ich sinf o'qish darslarida matn ustida ishlash orqali nutq o'stirish metodikasi	100
FILOLOGIYA VA TILLARNI O'QITISH	105
Qahramon TO'XSANOV. "Masnaviyi ma'naviy"ning o'zbek adabiyotiga ta'siri.....	105
Mexriniso ABUZALOVA, Shahnoza ISLOMOVA. Tibbiy tili va tibbiy matnlarning psixolingistik xususiyatlari	111
Илона ИСРАИЛОВА. Эффективность обучения медицинскому английскому языку при формировании коммуникативных навыков посредством аутентичных фильмов.....	117
Intizor JUMANIYOZOVA. Abdulla Oripov she'riyatida falsafiy-intellektuallik va ekspressivlikning ifodalananishi.....	124
ANIQ VA TABIIY FANLAR	127
Mirzohid DAMINOV, Sabohat HALIMOVA. O'zbekiston, Rossiya Federatsiyasi va Qozog'iston umumiy o'rta ta'lim maktablari 7-sinf fizika darsliklarining qiyosiyl tahlili	127

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ МАТН УСТИДА ИШЛАШДА АДАБИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада тушунча нарсалар ва уларнинг хусусиятлари, ўзаро алоқа муносабатлари тўғрисида бир-бiri билан боғланган ҳукм-хуласалардан иборат бўлиши хусусидаги фикр баён этилган. Бирор нарса тўғрисида тушунча ҳосил қилишида шу нарса ҳақида бир қанча ҳукмлар жами шу тушунчанинг мазмунини ташкил қиласди. Бирор нарса тўғрисида қанча ҳукм юрита олсан, тушунчанинг мазмуни ҳам шунчалик бой бўлади. Тушунчанинг моддий ифодаси ва таянчи сўздир. Бадиий адабиётда ҳам сўз бадиий образ яратиш ва образлилик қуролидир. Асарнинг образлилиги ёзувчининг сўз санъатидан қай даражада фойдаланганлигига боғлиқдир.

Калим сўзлар: матн, тушунча, сўз, топширик, ифодали ўқиши, нутқ, ўқувчи.

В статье описывается идея о том, что понятие состоит из взаимосвязанных суждений и умозаключений о вещах и их свойствах, отношениях взаимодействия. При создании понимания чего-либо ряд суждений об одной и той же вещи в совокупности составляют содержание этого понятия. Чем больше суждений мы можем вынести о чем-то, тем богаче содержание понятия. Материальным выражением и опорой концепции является слово. В художественной литературе слово также является оружием создания художественного образа и образности. Образность произведения зависит от того, в какой степени писатель использовал искусство слова.

Ключевые слова: текст, концепт, слово, задание, выразительное чтение, речь, читатель.

The article describes the idea that the concept consists of interrelated judgments and conclusions about things and their properties, relations of interaction. When creating an understanding of something, a number of judgments about the same thing together make up the content of this concept. The more judgments we can make about something, the richer the content of the concept. The material expression and support of the concept is the word. In fiction, the word is also a weapon for creating an artistic image and imagery. The imagery of the work depends on the extent to which the writer used the art of words.

Keywords: text, concept, word, task, expressive reading, speech, reader.

Бошланғич таълим тизимида ўқувчиларда болалиқдан бадиий адабиётга ҳавас уйғотиш, уларнинг образли тафаккурини ўстириш, кўп жиҳатдан таълим тамоиллари ва методларининг тўғри кўлланилишига боғлиқ. Илмий асосда тўғри танланган метод ўқувчи шахсини ривожлантириш, ақлий фаолиятини фаоллаштириш ва мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантиришда асосий ўрин эгаллайди.

Муаммонинг ҳаётий илдизи шундаки, тадқиқотчи Н.Жўраев ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Ҳозирги кунга келиб, билим бериш технологияларининг узлуксиз ортиб бориши билан ўқувчиларда ўқишига нисбатан муносабат ўзгариб, бу билимларнинг барчасини ўзлаштириб олиш имконияти камаймоқда, ўқишига нисбатан қизиқиш сўнмоқда. Шунинг учун уларга бу билимлардан фойдаланиш, уларни қайта тикилаш, ўқишини такомиллаштириш, қайта ишлаш стратегиясини ўргатиш мақсадга мувофиқдир»[1].

Ўқиши методикаси педагогика, психология, она тили, адабиётшунослик маълумотларига ва кенг кўламдаги педагогик тажрибаларга таянади.

Тушунчалар сезги, идрок, тасаввурлар асосида, сўз, нутқ ёрдами билан ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам ўқиши дарсларида ўқувчиларнинг луғат бойлигини ошириш ва нутқини ўстиришга алоҳида аҳамият берилади.

Ўқитишининг моҳияти ҳам ўқувчиларни тушунчалар билан қуроллантириш орқали таълим мақсадига эришишдан иборатdir. Воқеликдаги нарса ва ходисалар тўғрисидаги тушунчалар ҳар бир кишининг онгига болалиқдан бошлаб то умрининг охиригача такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда бошланғич синфлардан бошлаб адабий тушунчаларни шакллантириш – синфда ва синфдан ташқари ўқиши дарсларининг асосий вазифаларидан бири, дейиш мумкин.

Ўқиши дарслари бошланғич синф ўқувчиларида ўрганиладиган бадиий асарларни бир-биридан фарқлаш, ёзувчининг ҳаётий

96 воқеаларни қандай воситалар ёрдамида акс эттиргани, қандай адабий қаҳрамонлар яратганини тушуниш, асар қаҳрамонларининг хатти-харакатига ўз муносабатини билдириш, уларни баҳолай олиш ва тегиши хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантиради. Ўқитувчи адабий тушунчаларни ўргатиш жараёнида ифодали ўқиш, матнни ёд олиш, қайта ҳикоя қилиш, савол-топшириқлар устида ишлаш, ижодий ёзма ишлар ёздириш усулларидан фойдаланади.

Нутқ маданиятини шакллантириш билан боғлиқ адабий тушунчалар юзасидан хосил қилинадиган элементар билимлар орқали ўқувчилар кишиларнинг фикрлари, ҳистийғулари ва ички дунёсини ифодалашда бадиий нутқнинг аҳамиятини англаб борадилар. Ўқувчиларда адабий тушунчаларни хосил қилишда уларнинг бадиий адабиёт санъатнинг бир тури эканини англашларига эришиш лозим. Бунинг учун бадиий асарда тасвирланган воқеа-ходисаларнинг расмда ранглар орқали ифодаланишини намойиш қилиш орқали бадиий адабиёт тасвирий санъат каби санъат тури деб тушунтириш мумкин. Ҳар иккисида ҳаётий воқеалар акс этиши, тасвирий санъатда ранглар орқали, бадиий адабиётда сўзлар орқали тасвирланиши ҳақида маълумот бериш фойдадан холи бўлмайди. Асар яратиш учун ёзувчи сўзга бой бўлиши лозим эканлиги, бунга ўқиш-ўрганиш орқали эришиш мумкинлигини ўқувчилар онгига етказиш зарур. Бошлангич синкларда адабий тушунчаларни ўқувчилар яхши ўзлаштиришлари учун ўқитувчи адабиёт назариясидан илмий тушунчаларга эга бўлиши, асар таҳлилида нималарга эътибор берилишини ажратиб олиши, ўқитиш усулларини яхши билиши, таҳлилга ижодий ёндашиши, ўқувчиларнинг қизиқишлигини ҳисобга олиши ўқиш дарсларида бадиий асарни ўқитиш сифатини белгиловчи омиллардандир.

Бошлангич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларни малакали китобхон сифатида тарбиялашда асар таҳлили ва ўқувчининг шахсий ижодкорлик қобилияти алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқиш методикасида бадиий асарни ўқиши билан боғлиқ иккита талаб олға сурилади: биринчидан, ўқувчилар намунадаги асар мазмунини тушунсан, иккинчидан, асарда қаламга олинган воқеа-ходисаларни қалдан хис қила билсин.

Бошлангич синф ўқувчиларида сўз санъатини бевосита идрок этиш қобилиятининг ривожланиши асар сюжетининг ўзига манзур жиҳатларини аниқлаш, қаҳрамонларнинг хатти-харакатларини баҳолаш, ўз хулосаларини умумлаштириб баён қилиш тарзидаги адабий

таҳлил кўникмаларини эгаллай боришига боғлиқ.

Бадиий асарнинг ўқувчилар томонидан идрок этилиш даражаси китобхонлик фаолияти натижалари таҳлили асосида белгиланади. Адабий таълим жараёнида асарнинг тўлиқ идрок этилиши адабий тушунчаларнинг чукур эгалланганлигидан далолат беради.

Илмий-методик адабиётларни ўрганиш хамда тажриба-синов ишлари натижасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун адабий тушунчалар асосида бадиий асарни идрок этишнинг тўртта даражасини ажратишни лозим топдик.

Биринчи даражаси. Бу гурухга мансуб болалар асарларни яхлит идрок эта олмайди, уларнинг диққати асар сюжетидаги алоҳида ҳодисаларга қаратилиб, эпизодлар орасидаги боғликларни тушуниб етмайдилар. Уларда матнни ўқиш ва эшишида бевосита ҳиссий таъсир бўлиши мумкин, лекин ўз ҳисларини сўз билан ифодалаш мушкуллик туғдиради. Бу гурухдаги болалар асар қаҳрамонларининг хатти-харакати ва руҳий ҳолатини ҳар доим ҳам аниқлай олишмайди.

Иккинчи даражаси. Бу гурухга мансуб ўқувчилар асарни тўғри қабул қилиши билан ажralиб туради. Аммо улар ҳам ҳистийғуларини ифодалашда қўйналадилар, чунки тасаввур ҳар кимда ҳар хил бўлади. Бу гурух ўқувчилари асар воқеаларининг кетма-кетлигини хотираларида осон тиклашади, лекин улар бир-бири билан қандай боғланганлигини ҳар доим ҳам тушунишмайди. Улар маҳсус савол-топшириқлар ёрдамида асар қаҳрамонларига хос хусусиятларни тўғри аниқлай олишади. Ҳаётий тасаввурларига таянган ҳолда уларнинг у ёки бу хатти-харакатлари сабабини айтиб беришади. Аммо ўқиганлари юзасидан хулоса чиқара олишмайди.

Учинчи даражага мансуб ўқувчилар асарда баён қилинган воқеа-ходисаларнинг ички боғланишини билиши билан ажralиб туришади. Улар муайян тасаввурга эга бўлиши туфайли асарнинг тафсилотлари асосида образларни қайта яратиш қобилиятига эга. Асарда уларни, биринчи навбатда, қаҳрамонлар образи қизиктиради, ўқитувчининг ўйналирувчи саволлари асосида асардаги асосий фикрни, қаҳрамонларнинг хатти-харакатлари сабабини тўғри аниқлай олишади. Аммо мавжуд адабий тушунчалар асосида ўз хулосаларини умумлаштиришда айrim камчиликларга йўл кўядилар.

Тўртинчи даражага мансуб ўқувчилар нафакат асар воқеаларидан, балки унинг бадиий ифодасидан ҳам таъсирланади. Уларнинг тасаввuri ривожланган бўлиб, бадиий асар

тафсилотлари асосида образни қайта яратишиди. Матнни қайта ўқиши, ўқиганлари юзасидан фикр-мулоҳаза юритишини ёқтиришиди. Матнда муаллиф нуқтаи назарини, асосий фикрни аниқлаш қобилиятига эга бўлишиди. Уларнинг асар воқеалари юзасидан умумлашма хulosалари ўта жўн бўлса хам, мустақил фикр юритиши, асарда қўйилган муаммони аниқлашга бўлган ҳаракатининг ўзи мухимдир. Шунга кўра, айтиш мумкинки, ўқувчиларда адабий тушунчаларнинг шакланишини асарни идрок этиш даражасига қараб белгилаш мумкин, деган хulosага келдик.

Идрокнинг биринчи даражаси 3-5 ёшли болаларга мос келади. Бошлангич синф ўқувчиларининг шу даражага мансублиги адабий тушунчаларга доир билимларнинг сустлигидан далолат беради. Ўқиши дарслари билан фан сифатида тўқнаш келганида, иккинчи ва учинчи синфдаги бир неча ўқувчигина ўқиганларини учинчи даражада идрок қилиш қобилиятига эга бўлади. Бошлангич таълимнинг охирига келиб тўртинчи даражада идрок этиши барча ўқувчиларга хос хусусият саналади. Бошлангич синф битиравчиси бадиий асарни тўртинчи даражада идрок этиши адабий тушунчаларининг шаклланганлигини англатади.

Ўқиш методикаси масалалари билан ўзбек методист олимларидан К.Қосимова, С.Матчонов, Қ.Абдуллаева, Т.Фаффорова ва рус методистларидан Н.Н.Светловская, М.И.Оморокова, Т.Рамзаевалар атрофлича шуғулланишган.

Профессор К.Қосимова ва С.Матчоновларнинг ўқиш методикасига доир ишларида ўқувчи таълимнинг фаол иштирокчиси, «методик омил» сифатида тилга олиниши бежиз эмас. Уларнинг фикрича, бошлангич синф ўқиши дарсларида ўқувчиларни малакали китобхон сифатида тарбиялашда асар таҳлили ва ўқувчининг шахсий ижодкорлик қобилияти алоҳида аҳамият касб этади [2]. Бу эса бошлангич синф ўқувчиларида шеър, мисра, ҳикоя, масал, топишмоқ, мақол, адабий қаҳрамон, сарлавҳа, матн, режа каби дастлабки адабий тушунчаларни шакллантира боришини тақозо этади. Шу мақсадга қаратилган адабий таҳлил ўқитувчи ва ўқувчининг қатъий режа асосида изчил ҳамкорликда изланишини талаб этади. Бусиз ўқувчи дастурда кўзда тутилган даражада асарни эстетик жиҳатдан англаш ва идрок этишга қодир бўлмайди. Таҳлилда умумийдан хусусийга, яъни асарни тушунишга ёрдам берувчи умумий мазмунни ва тафсилотларни аниқлашга томон бориш лозим. Таҳлил бошида асарнинг жанрий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бериладиган саволларни ўқувчиларнинг

мавжуд тушунчаларидан келиб чиқиб изчил ва кенг қамровли тарзда қўйиш талаб этилади. Шу асосда ўқувчиларнинг фикр ва ҳисларини муайян мақсадга йўналтирилса, бошлангич таълимда кўзланган натижага эришиш қийин кечмайди.

Жумладан, М.П.Воюшина бошлангич синфларда бадиий асар таҳлили тамойилларини кўйидагиларга ажратади ва тавсифлайди:

1. *Мақсадга йўналтирилган тамойил.* Бу тамойилга кўра, дарснинг асосий вазифаси асарни тўлақонли идрок қилиш, унинг ғоясини тушунишга йўналтириш мақсадидан келиб чиқиб белгиланади.

2. *Ўқилган асарни яхлит, изчил, ҳиссий идрок қилиши тамойили.* Бу тамойил бадиий асарнинг бирламчи идрок талаблари билан ички боғланишини ва идрок сифатини яхшилаш, шу орқали асарга қайтиб уни таҳлил қилиш эҳтиёжини юзага келтиришни назарда тутади.

3. *Асарни идрок қилишида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши тамойили.* Бунда асар таҳлилида ўқувчиларнинг асар мазмунини чуқур англашларини таъминлашда ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил усусларини танлаш талаб этилади.

4. *Асар таҳлилига шароит яратиш тамойили.* Бу тамойилга кўра, матн таҳлили ўқувчининг бадиий матнни тушуниш эҳтиёжларига жавоб бериши керак.

5. *Асарни иккинчи марта мустақил ўқишига бўлган эҳтиёжсиз тамойили.* Бу тамойил адабий таълимнинг дастлабки босқичи учун жуда мухимдир: кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар таҳлилдан олдин матн мазмунини тўлиқ англашлари учун уни яна бир марта ўқиб чиқишилари талаб этилади.

6. *Шакл ва мазмуннинг бирлиги тамойили.* Асарда тасвирланган ҳолатни қайта тиклаш уни акс эттиришга эмас, балки тасвирнинг ўзи, яъни унинг мазмуни билан узвий боғлиқ бўлган асар шаклини таҳлил қилишга йўналтирилиши керак бўлган саволлар ва вазифаларнинг табиатини белгилайди.

7. *Бадиий асарнинг умумий ва жанр хусусиятларини, бадиий ўзига хослигини ҳисобга олиши тамойили.* Бу тамойил таҳлилнинг умумий йўналиши ва усулини танлашда ўзини намоён қиласи. Адабиётнинг турли хил адабий турлари ва жанрлари моҳияттан бир-биридан фарқ қиласи. Шунинг учун бу асарларни таҳлил қилишда бир хил ёндашувлар бўлиши мумкин эмас.

8. *Таҳлил усусларини танлаш тамойили.* Бу тамойил асарнинг таҳлил усулини танлаб олишни назарда тутади: унинг барча элементлари таҳлил қилинмайди, балки ишнинг

98 гоявий йўналишини очиш учун етарли мазмун танлаб олинади.

9. *Ўқиши малакасини тақомиллаштиришига қаратилган тамойил.* Бу тамойил адабий таълимнинг бошлангич босқичига хос бўлиб, унга кўра, ўқиши малакаси ўқувчиларнинг шахсий мақсадига айлантирилгандағина яхшиланади: қайси ўқувчи ўз хоҳиши билан кўп ўқиса, натижа яхши бўлади.

10. *Ўқувчиларнинг китобхонлик кўникум-малакаларини ривожлантириши тамойили.* Унга кўра, синфдаги бадиий асар таҳлили ўқувчиларнинг нафақат ўрганилаётган асар гоясини ўзлаштиришига, балки уларнинг адабий ривожланишига, уларда дастлабки адабий тушунча ва китобхонлик малакаларини шакллантиришига ҳам ёрдам берди [1].

Ўқишининг натижаси асар мазмунини англашdir. Бу натижа нафақат ўқиши техникасида, балки ўқувчининг фикрлаш даражасини ошириш, умумлаштириш қобилиятини шакллантириш, нуткини ривожлантириш даражаси – лугатнинг бойлиги, сўз маъносини аниқ тушуниши; ўқиладиган матннинг хусусиятлари англаши, ҳаёт ҳақидаги мавжуд билим, шунингдек, тажрибасини кўрсата олиши билан белгиланади.

Ушбу омилларга қараб, матнни тушунишнинг қўйидагича муайян даражасига эришилади:

- асар мазмунини англаш даражаси – матннинг алоҳида таркибий қисмларини танлаш, уларни бир-бири билан боғлаш, умумлаштириш, алоқаларни ўрнатиш, воқеалар ривожини аниқлаш; тасвир мазмунини тушуниш;

- фикрлаш даражаси - муаллифнинг мақсадини, асарнинг гоявий-бадиий хусусиятларини тушуниш, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш, уларни баҳолаш. хуласа чиқариш, келтирилган далилларни изоҳлаш, ҳаёт тажрибаси билан ўзаро боғлаш.

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар бадиий асарни таҳлил қилишга турли ёндашишлар мавжудлигини кўрсатди. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Асар тили таҳлили бу асарда муаллиф томонидан қўлланилган тасвирий ифода воситалари ҳамда қаҳрамонлар нутки ва уларга ёзувчи муносабатини аниқлаш мақсадида уюштирилади. Масалан, 4-синфда Рауф Толибининг «Қуёш севган юрт» асари ўрганганилганда шеърдаги тасвирий воситаларни аниқлаш юзасидан қўйидаги савол-топшириклар берилиши мумкин: «Қуёш тоғлардан, боғлардан кўз узолмас экан» гапини матндан топиб ўқинг. Қуёшнинг юртимизни

нимга учун севишини қандай изоҳлайсиз?» ва ҳакозо. Бундай топшириклар ўқувчилар лугат бойлигини, нутқининг ифодалигини оширишга хизмат қиласди.

Адабий таҳлил орқали асар қаҳрамонларининг феъл-атвори, хис-туйғулари, характер хусусиятлари ўрганилади. Масалан, 4-синфда Нормурод Норқобиловнинг «Харита» ҳикояси ўрганилганда, асар қаҳрамонлари Самад ва Расулнинг феъл-атворини тавсифлаш орқали уларнинг характер хусусиятлари очиб берилади. Адабий таҳлилни шу таҳлитда уюштиришни бошқа асарларга нисбатан ҳам кўллаш мумкин.

Асар воқеалари таҳлили асосида сюжет ва унинг асосий қисмлари ўртасидаги боғланишни аниқлаш масаласи туради. Бундай таҳлилда хатти-ҳаракатдан характерга, воқеа-ҳодисадан матн мазмунига қараб борилади. Хусусан, 4-синфда Пиримқул Қодировнинг «Хатарли учрашув» ҳикоясидаги воқеалар ривожи ва улар орасидаги боғланишни аниқлаш учун кўйидаги режадан фойдаланиш мумкин: 1. Жондорларни ит деб юрибман. 2. Бехосдан чўчиб кетдим. 3. Корга ўтириб қолдим. 4. Гап ақл ва иродада экан. Асар мазмунини режа асосида ҳикоя қилдириш ўқувчиларга ундаги асосий фикрни тўғри англашларига яқиндан ёрдам беради.

Муаммоли таҳлил бадиий асардаги муаммоли масала ва вазиятлар асосида ташкил этилади [2]. Масалан, Ҳаким Назирнинг «Қодир билан Собир» ҳикояси ўқилганда (4-синф) «Болалар ўртасида қандай ҳолатларда дўстлик бўлади? Доим бирга юрадиган болаларни дўст деб бўладими?» каби саволлар асосида муаммоли вазият яратилиб, ўқувчилар фикр-мулоҳазалари асосида ҳал этилади. Бу эса уларнинг ижодий ва мантиқий фикрлашларига замин яратади.

Ўқиши методикасида таҳлилнинг сўз билан тасвирлаш ва график тасвирлаш, тасвирий воситалар таҳлили, кузатиш, маънодош сўзларни топиш, асарни саҳналаштириш, ифодали ўқиши ва ролларга бўлиб ўқиш, қайта ҳикоялаш, шахсини ўзгартириб ҳикоялаш усууллари кент қўлланилади.

Бадиий асар устида ишлашни ташкил қилишда таҳлил усулини танлаш асар матнининг хусусиятлари ва таҳлил жараёнинда ҳал қилиш зарур бўлган вазифаларга қараб аниқланади.

Юкори синфларда адабий тушунчаларни таркиб топтириш жараёнини профессор Асқар Зуннунов 5 босқичга бўлади:

1. Адабий асарнинг бирор компоненти ва унинг гоявий-бадиий аҳамиятини аниқлаш.

2. Компонентларни (ёки тасвиirlарни) кузатиш, белгилаш ва умумлаштириш.

3. Олинган билимни амалда (адабий асарни таҳлил қилишда ва ижодий иншолар ёзишда) татбик этиш, машқ қилиш.

4. Илгари ўзлаштирилган тушунчани (компонентни) янги билимлар билан бойитиш, кенгайтириш.

5. Бу тушунчаларнинг адабий асардаги бошқа муҳим элементлар ва ёзувчининг ижодий услуби билан боғланишини аниқлаш [4].

Бошлангич синфларда адабий тушунчаларни ўрганиш юқори синфлардагидан фарқ қилади. Чунки кичик мактаб ёшидаги ўқувчиликнинг ёши, савияси, тажрибаси бадиий асар устида қатъий назарий тушунчалар асосида ишлашни кўтармайди. Биз илмий-методик изланишлар давомида бошлангич синф ўқиш дарсларида ўқувчиликнинг адабий тушунчаларни таркиб топтиришни шартли равишда қуидаги босқичларга бўлишни мақсадга мувофик деган холосага келдик:

1. *Тайёрлов босқичи.* Бу босқич амал қилинадиган 1-синфда асарнинг эстетик тарбиявий гоясини кузатиш, асар воқеаларини қисмларга ажратиш; бадиий асар мавзусини аниқлаш, шеърий нутқ билан насрой нутқнинг бир-биридан фарқини кузатиш билан боғлиқ тушунчалар устида ишланади. Ўқувчиликнинг талафузи ва оғзаки нутқига кўпроқ эътибор қаратилади.

2. *Бошлангич босқич.* 2-синфда амал қилинадиган бу босқичда асарнинг гоявий-бадиий мазмунини кузатиш; асар мавзуси ва

гояси устида ишлаш; диалог ҳақида умумий тушунча бериш; асарни қисмларга ажратиш ва унинг ўзаро боғлиқ воқеалардан ташкил топиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш; асардаги кичрайтириш, эркалаш, кўчма маъноли сўзларнинг бадиий хусусиятларини аниқлаш; шеърий нутқнинг банд ва мисралардан ташкил топишига доир тушунчалар устида ишланади. Адабий жанрларнинг фарқи, асарнинг таркибий элементлари, асарда тасвирланган воқеа-ходисалар ва адабий қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлашга ўргатилади.

3. *Асосий босқич.* Бу босқич амал қилинадиган 3-4-синфларда асар қаҳрамонларининг суврати ва сийратини кузатиш, тасвирланган воқеаларнинг ҳаёт билан боғлиқлигини англашларига эришиш, ёзувчининг асар қаҳрамонларига муносабати устида ишлаш; ҳикоя ва тасвир ҳақида тушунча; табиат тасвири, қаҳрамон тасвири устида ишлаш; асарни қисмларга ажратиш ва унинг режаси ҳақида маълумот бериш; асардаги воқеаларнинг ривожланиб боришини, сабаб-натижага боғланишини аниқлаш; ўхшатиш, жонлантириш, ибора ҳақида тушунча ҳосил қилиш; насрой ва шеърий нутқнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш; шеърий нутқка хос такрор, муболага ҳақида амалий тушунча ҳосил қилиш; шеърий нутқда сўзлар тартиби, шеър тузилиши – кофия, банд ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Адабиётлар

1. Воюшина М.П. и др. Методика обучения литературе в начальной школе: учебник для студ. высш. учеб. заведений // под ред. М.П.Воюшиной. – М.: Издательский центр «Академия», 2010. – 288 с.
2. Воюшина М.П. Формирование системы читательских умений в процессе анализа художественного произведения // Начальная школа. – 2004. – № 3. – С. 39-44.
3. Ганиева Б.И. Кутубхоналарда ўқувчиликнинг тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Пед.фан.номз.дисс. – Т.:2008. –161 б.
4. Джежелей О.В. Чтение и литература // Программно-методические материалы: Чтение. Начальная школа / Сост. Т.В.Игнатьева. – М.: Дрофа, 2000. – С. 68-69.
5. Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения // учеб. пособие. – М.: Флинта, 2007. – С 9.
6. Занков Л.В. Развитие школьников в процессе обучения. – М.: Просвещение, 2007. – 152 с.
7. Зуннунов А. 4-10-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи. 1974. – 137 б.
8. Зуннунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиши методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 333 б.
9. Зиёмухаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: Тиб Китоб, 2009. – 181 б.
10. Иброҳимова З. Кувноқликка яширинган изтироблар (Анвар Обиджон портретига чизгилар). – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2005. – 30 б.
11. Ибрагимов Р. Бошлангич мактаб ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. Пед.фан.номз. дисс. – Т.: 2007. – 140 б.
12. Йўлдошев И., Мирзараҳимова М. Она тили ва адабиётдан ноанъанавий дарслар. – Т.: ТДПУ, 2006. – 5-8-бетлар.